2011 ЙИЛ 16 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 226 (12.037)

Баҳоси эркин нархда

Танловлар

## САНЪАТГА ОШНО БОЛАЖОНЛАР

**Ўзбекистон Давлат Консерваториясида Фонд Форум ва «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ҳамда Халқ таълими вазирлиги кўмагида «Янги авлод – 2011» болалар ижодиёти фестивалининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди.**



Юртимизда мустақил ва янгича фикрлайдиган ёшлар сонини кўпайтириш, улар орасидан иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш борасида давлат сиёсати даражасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, саккиз йилдан буён минглаб иштирокчиларни ўз атрофида бирлаштириб, улардан бугунга қадар 2355 нафари ғолиблик нашидасини сурган «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивали бу йил ҳам ўзгача шукуҳда ўтказилди.

Унда иштирок этиш мақсадида эса олти ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчи–ёшлардан 4,5 мингдан зиёд аризалар қабул қилинди. Болажонлар ижодий жамоа ёки алоҳида номзод сифатида мумтоз, вокал, миллий чолғулар, тасвирий санъат, шеърият, адабиёт ва театр сценарийси каби йўналишларда ўз истеъдодларини намоён этдилар.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда болаларга кўрсатилаётган меҳр-эътибор, алоҳида ғамхўрлик мана шундай кенг қамровли лойиҳаларнинг ўтказилишида яна бир карра яққол намоён бўлмоқда, – дейди В.Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори Дилдора Жамолова. – Мазкур фестивалнинг болалар ижодини янги босқичга олиб чиқиб, уларни юксак марралар сари илҳомлантиришда алоҳида кўмак вазифасини ўташига ишонамиз.

– Танловда минглаб тенгдошларим орасида ўз исмимни эшитганимда кўзимга севинч ёшлари келди,– дейди эндигина тўққиз ёшни қарши олган Сардор Ибодуллаев. – «Марварид» гуруҳида бир неча йилдан буён замонавий рақс билан мунтазам шуғулланиб келаман. Келгусида янада юксак марраларни қўлга киритиш истагидаман. Ёш бўлишимга қарамасдан олдимга қўйган мақсадларимга эришиш учун юртимизда барча шарт-шароитлар яратилганининг шоҳидиман. Бунинг учун эса бизни доимо қўллаб-қувватлаб келаётган Юртбошимизга, Фонд Форум, «Камалак» болалар ташкилоти ва устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

«Янги авлод – 2011» болалар ижодиёти фестивали шаҳар босқичида ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланган ва ғолиб дея топилган иштирокчилар танловнинг Республика босқичида иштирок этиш учун йўлланмаларни қўлга киритдилар.

**Садоқат АСЛАНОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Янги авлод – 2011» шаҳар босқичи иштирокчилари**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Тошкент шаҳрида 15 ноябрь куни Ҳамкорлик бўйича «Корея Республикаси – Марказий Осиё» форумининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси, Корея Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Туркманистон делегациялари иштирок этди.**

## ҲАМКОРЛИККА БАҒИШЛАНДИ

2007 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган мазкур форум Корея Республикаси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодиёт, ахборот-коммуникация технологиялари, қурилиш ва транспорт, фан, таълим, маданият, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш мақсадида ташкил этилган.

Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатлари барча соҳаларда изчил ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида муваффақиятли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўпланган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорларидандир. Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Жанубий Корея компаниялари билан ҳамкорликда тоғ-кон саноати, тўқимачилик, маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш каби соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун Жанубий Кореядан замонавий технологиялар жалб этиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналишларидандир.

Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бакнинг жорий йилнинг август ойида Ўзбекистонга ташрифи доирасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликка оид ғоят муҳим лойиҳа – Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши бошланди. Бу мажмуани барпо этиш ишларига 2,6 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоя киритиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистонда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш ҳамда қитъалараро логистика марказини барпо этиш лойиҳалари Жанубий Корея ҳукумати ва ишбилармон доиралари томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Анжуманда Корея Республикаси билан Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида илм-фан ва технологиялар, ҳудудлар ва минтақаларни ривожлантириш, электрон ҳукумат яратиш ҳамда спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро тажриба алмашиш каби масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Ўрта Осиёдаги трансчегаравий дарёлардан оқилона фойдаланиш, ушбу минтақада улкан сув иншоотлари қурилиши масалалари хорижий мамлакатларнинг давлат, сиёсат ва эксперт-таҳлил доираларининг диққат-эътиборида турибди.**

## «АҚЛ ТАРОЗИСИГА ҚЎЙИБ ИШ ТУТИШ ЛОЗИМ...»

Хусусан, **Франция геосиёсат институтининг Бельгиядаги эксперти П.Э. Томанн** Ўрта Осиёда кенг миқёсда сув лойиҳаларини амалга оширишга, жумладан, баҳайбат сув иншоотларини барпо этишга интилаётганлар, энг аввало, улар келтириб чиқарадиган оқибатлар устида чуқурроқ мулоҳаза юритишлари зарур, деган фикрни илгари сурди.

Экспертнинг мулоҳазасига кўра, сейсмик жиҳатдан хавфли бўлган ҳудудда ҳар қандай йирик сув иншоотининг қурилишига жуда эҳтиёткорлик ва теран мушоҳадага таяниб ёндашмоқ керакки, ҳеч шубҳасиз, Ўрта Осиё минтақаси ана шундай ҳудудлар сирасига киради.

«Сирдарё ва Амударё Ўрта Осиёдаги асосий сув артериялари эканлиги ва минтақадаги 50 миллиондан зиёд аҳолининг ҳаётию тақдири ушбу дарёларга боғлиқлиги ҳисобга олинар экан, бирон бир сув лойиҳасининг рўёбга чиқарилишида ҳудудидан мазкур дарёлар оқиб ўтадиган мамлакатлар билан келишиб иш тутилиши лозим», дея таъкидлади мутахассис.

Олимнинг қайд этишича, трансчегаравий дарёларда йирик сув иншоотлари қурилишининг лойиҳалари халқаро экспертлар иштирокида пухта ўрганилиши даркор. Унинг ҳисоблашича, Тожикистоннинг бундан 40 йил муқаддам тайёрланган улкан «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилиши лойиҳасини ҳаётга татбиқ қилиш тўғрисидаги қарори ўта хавфлидир. Негаки, мазкур лойиҳа халқаро экспертлар томонидан холисона ва ҳар томонлама таҳлил этилмаган ҳамда унинг рўёбга чиқарилиши улкан фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин.

П.Э.Томанн бундай лойиҳаларни амалга оширишга ҳаракат қилаётганларни оқилона иш тутишга ҳамда бундай жиддий қурилиш билан боғлиқ барча масалаларни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида ҳал қилишга чақирди.

**Бельгиянинг Қироллик Археология академияси аъзоси, профессор Жан Бланкофф**нинг таъкидлашича, дунёдаги энг баланд «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилиши кўзда тутилаётган ҳудуд сейсмик жиҳатдан Ер куррасидаги энг хавфли ҳудудлардан бири ҳисобланади. Профессорнинг айтишича, 8-10 балл кучга эга зилзилалар бир неча бор содир бўлган бу минтақада яна кучли ер силкинишлари рўй бермаслигига ҳеч қандай кафолат йўқ. Тўғон ости ер қатламларининг тузли тошлар билан бирбирига улангани ҳисобга олинадиган бўлса, мазкур ҳудудда баланд тўғоннинг қурилиши нафақат шунчаки хавфли, балки ўта фавқулодда хавфлидир.

Жан Бланкофф ушбу лойиҳа жонкуярларини «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилишининг оқибатлари, яъни у мабодо ҳалокатга юз тутган тақдирда, даҳшатли инқирозларга, жуда кўплаб одамларнинг нобуд бўлишига олиб келиши муқаррарлиги юзасидан жиддий мулоҳаза юритишга чақирди.

Ўз навбатида, Тожикистондаги «Asia-Plus» интернет нашри тарқатган хабарда маълум қилинишича, **тожик олими, техника фанлари доктори, профессор Алимхон Бурҳонов** ўз мамлакати раҳбариятини «Роғун» гидроэлектростанцияси қурилишидан воз кечишга даъват этди. Унинг фикрича, бундай иншоотлар қурилиши жуда кўп вақт талаб қилиши баробарида, асрлар давомида одамлар яшаб келган катта ҳудудларнинг сув остида қолишига сабаб бўлади.

Шунингдек, тожикистонлик олимнинг ҳисоблашича, 335 метр баландликдаги тўғон Тожикистоннинг ўзида ҳамда унга қўшни мамлакатлар ҳудудларида яшайдиган аҳоли учун муайян хавф-хатарларни туғдиради. У кичик гидроэлектростанциялар қурилишига эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги фикрини ўртоқлашар экан, бундай мўъжаз гидроэлектростанциялар анча самарали бўлишига ҳамда «Тожикистондан оқиб ўтадиган барча дарёларда ана шундай кичик сув иншоотларини барпо этиш лозимлигига» комил ишонч билдирди.

**«Жаҳон» АА**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Республика Байналмилал маркази, Олима аёллар уюшмаси ва «Адолат» СДП ҳамкорлигида Халқаро бағрикенглик кунига бағишланган тадбир ташкил этилди.

✓ **«МАҲАЛЛА»** хайрия жамғармаси Олмазор тумани бўлинмасининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан «Иссиқлик таъминоти соҳасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» мавзусида давра суҳбати ўтказилади.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухоро вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб этишнинг долзарб масалаларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «ZarExpo» миллий кўргазма компанияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Дори-Дармон» АК, «Ўзфармсаноат» ДАК ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «PharmMedExpo — 2011» кўргазмаси иш бошлади.**

**● Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида дўстлик фестивали ҳамда «Биз – ягона Ватан фарзандларимиз» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Фестиваль доирасида миллий маданият марказларининг халқ амалий санъати буюмлари кўргазмаси намойиш этилди. Дўстлик, тинчлик, мустақил Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.**

**● Жиззах давлат политехника институтида Ўзбекистон Қуролли Кучлари Марказий ҳарбий округи прокуратураси билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Конституцияси – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати» мавзуида семинар ўтказилди. Семинарда инсон ҳуқуқларини таъминлашга оид халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва нормалари асосида мамлакатимизда қабул қилинган янги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бўйича ҳам ёшларга батафсил маълумотлар берилди.**

**● Эртага Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошидаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ташаббуси билан «Меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг чет элларда ва хорижликларнинг Ўзбекистон Республикасида ишга жойлашишини таъминлаш: муаммо ва ечимлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилади.**

### ЖАҲОНДА

**● НАТО ракетага қарши мудофаа тизими ўрнатилган ўз кемаларини Қора, Шимолий, Болтиқ ва Баренц денгизларига жойлаштириши мумкинлигини расман тасдиқлади.**

**● Париж судида бугун 2008 йилнинг сентябрь ойида Адан кўрфазида бортида икки нафар Франция фуқароси бўлган яхтани қўлга олган олти нафар Сомали денгиз қароқчилари устидан суд мажлиси бошланди.**

**● Россиянинг Белграддаги элчихонасига 21 минг 733 нафар Косово серблариdан Россия фуқаролигини олиш учун талабномалар тушди.**

**● Индонезиянинг Кепулауан Барат Дайа ороллар гуруҳида Рихтер шкаласи бўйича 5,9 балли зилзила содир бўлди. Табиий офат маркази Дили шаҳридан 275 километр шимоли-шарқда жойлашган бўлиб, ҳозирча қурбонлар ва талафотлар ҳақида маълумотлар йўқ.**

**● Иккита террорчилик ҳаракатини амалга ошириш ва 77 кишининг ўлимида айбланаётган норвегиялик экстремист Андерс Брейвик Ослода ўтказилган судда сўзга чиқиб, Утойя оролидаги ёшлар сиёсий лагери қатнашчиларига қарата ўт очгани ва пойтахтдаги ҳукумат биносини миналаштирганлигини тан олган бўлсада, бироқ ўзини айбдор деб ҳисобламаслигини таъкидлади.**

**● Хитойнинг Хунань музофотида турар жой биноси қулаб тушди. Натижада 10 киши ҳаётдан кўз юмиб, яна шунча одам турли даражадаги тан жароҳатлари олган. Фожиа тунда юз бергани боис вайроналар остида яна одамлар қолиб кетган бўлиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда.**

**● АҚШнинг «Aviation Capital Group» лизинг компанияси 30 дона «Airbus A320neo» ҳаво лайнерига буюртма берди. Томонлар қиймати 2,7 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу шартномага шу кунларда Дубайда ўтказилаётган авиашоу вақтида имзо чекдилар. «Aviation Capital Group» мутасаддилари бежиз бу русумдаги самолётга қизиқиш билдирганлари йўқ. Гап шундаки, «Airbus A320neo» лайнери ёнилғини бошқа турдагиларга нисбатан 15 фоиз кам сарфлар экан.**

**Мамлакатимизда бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ўзига хос ҳуқуқий базаси яратилганлигини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистон Республикасида 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши тадбиркорлик субъектлари жадал ривожланишида муҳим омил бўлди, бу эса мамлакатимизда тадбиркорлар учун ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқармоқда.**

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Маълумки, Конституция ҳар бир мустақил давлатнинг асосий қомуси ҳисобланади. У бевосита маълум бир соҳалардаги муносабатларнигина эмас, балки амалда бутун давлатнинг, жамиятнинг мавжуд тизими, келажаги, иқтисодий-ижтимоий тараққиёт йўналишларини белгилаб берувчи ҳуқуқий пойдевордир. Сабаби, Конституцияда мамлакатнинг барча соҳалардаги тараққиёти учун бош мезон бўлувчи асосий қоидалари, принциплари, давлат органларининг функциялари, фаолият шаклининг ҳуқуқий асослари мустаҳкам белгиланган бўлади. Президентимиз Асосий Қомусимиз тантаналарига бағишланган йиғилишда «Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир», дея таъкидлаб ўтганди. Конституция — давлатнинг Асосий Қонуни бўлиши билан бирга, фуқаро билан давлатни ҳар соҳада бир-бирига боғлаб турувчи ҳуқуқий ҳужжатдир.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» дея эълон қилиниши сабаблари ва ўзига хос аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Тадбиркорлик ҳақида гапирганда, биз авваламбор хусусий тадбиркорликни тасаввур қиламиз. Айтиш керакки, юртимиз тарихида тадбиркорлик қадим замонлардан буён алоҳида ўрин тутиб келади. Ота-боболаримизнинг ўз ери, ўз мулки, ўз касбу ҳунарига эга бўлиш, омилкорлик билан иш юритиш, тадбиркор ва ишбилармон инсонларни қадрлаш борасидаги анъаналари ҳақида кўп гапириш мумкин.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 19-моддасининг қоидаларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Бинобарин, ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлиги субъектнинг ўз манфаатлари билан жамиятнинг ижтимоий манфаатлар ўртасида ўзаро мувозанат яратади. Давлат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қонун ҳужжатларида қатор ҳуқуқлар бериши билан бирга улар амал қилиши лозим бўлган қатъий мажбуриятларни ҳам белгилаб қўйган. Мажбуриятларнинг моҳияти шундаки, бунда қонун талаби бўйича субъект муайян ҳаракатларни содир этиш ёхуд маълум ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган нормалар ҳам бевосита эркин тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади. Конституциянинг 2-моддасига кўра, «Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Ушбу норма нафақат фуқароларга, балки тадбиркорлик мақомига эга бўлган жисмоний шахсларга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш деганда, ҳуқуқларнинг қонуний амалга оширилишини таъминловчи чоралар йиғиндиси тушунилади. Унинг таркибига субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган шароит ва муҳитни яратишга қаратилган нафақат ҳуқуқий, балки иқтисодий, сиёсий ва бошқа тусдаги чоралар киради. Ҳуқуқни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чоралари жумласига эса, фуқаролик муомаласининг қонуний, бузилмаган ҳолда ривожланишини таъминланишига ёрдам берувчи барча чоралар киради, масалан, субъектларнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини мустаҳкамлаш, мажбуриятларни белгилаш, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни тиклаш кабилардир.

**Гулчеҳра ИСРОИЛОВА,**
**Солиқ академияси «Юридик фанлар» кафедраси ўқитувчиси**




**Ёшлар Конституцияни ўрганишмоқда**

# КОНЦЕПЦИЯНИ ЎРГАНИШГА БАҒИШЛАНДИ

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини ўрганиш ва амалга ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети томонидан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда қатор олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ва талабалар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректори F.Муҳамедов, Ўзбекистон Банк-молия академиясининг ректори А.Ваҳобов ва бошқалар Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши барча соҳаларни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича мустақилликка эришилганидан сўнг бошланган ислоҳотларнинг мантиқий давоми эканини таъкидлади.

Конференция иштирокчилари ҳозирги даврда демократик ривожланишнинг муҳим масалалари – давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни эркинлаштириш масалаларини муҳокама қилдилар.

– Мамлакатимиз эришган барча ютуқларда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, тадрижий дастурининг амалга оширилиши муҳим омил бўлмоқда, – дейди Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг сиёсатшунослик кафедраси ўқитувчиси Дилфуза Ҳабибуллаева. – Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳаётимизнинг барча жабҳаларини модернизациялаш ва демократлаштиришда янги босқични бошлаб берди. Унинг амалга оширилиши Ватанимиз мустақиллигининг янада мустаҳкамланишига, халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Анжуманда Концепцияни амалга оширишга доир долзарб масалалар хусусида фикр алмашилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**Анжуманлар**

# ИНСОН САЛОМАТЛИГИ МУҲОФАЗАДА

**«Пойтахт» бизнес марказида Республика аллергологларининг VI «Аллергик хасталиклари диагностикаси, даволаш ва унинг олдини олишнинг замонавий муаммолари» мавзусида илмий – амалий конференция бўлиб ўтди.**

Анжуманда соҳанинг йирик мутахассислари — тиббиёт фанлари докторлари, профессорлар, олимлар аллергик касалликлари этиологияси, тарқалиши, жойларда ихтисослашган хизматни ташкил қилиш, даволашнинг янги усулларини жорий этиш ва уни ҳаётга татбиқ қилиш масалаларига тўхталиб ўтдилар.

Анжуман давомида мутахассислар касалланиш даражаси, диспансер кузатуви, профилактик тиббий кўриклар ўтказиш, касалликни эрта аниқлаш ва мамлакатимиз ҳудудларида беморларни клиник шифохона ва амбулатор шароитларда даволаш, аҳоли ўртасида соғлом турмушни тарғиб қилиш борасидаги фикрларини ҳам баён қилдилар.

– Бугунги кунда республикамиз ҳудудида 105 нафар шифокор аллергологлар фаолият юритмоқда,– дейди Республика илмий-ихтисослашган Аллергология маркази директори, профессор О.Назаров. – Уларнинг кўпчилиги юқори малакали мутахассислардир. Юртимиз аллергологларининг халқаро алоқалари йилдан йилга кенгайиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Россия, Қирғизистон, Испания, Португалия, Швеция олимлари билан узвий алоқалар ўрнатилганлиги боис ҳамкорликда самарали ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача бронхиал астма ва поллинозларнинг кечиши мавзусида бир қатор илмий ишлар олиб борилди. 5 та докторлик диссертацияси, 20 та номзодлик иши, 6 та монография, 15 та методик қўлланмалар чоп этилди, 600 дан ортиқ илмий мақолалар эълон қилинди. Илк бор бизнинг мамлакатимизда бронхиал астманинг ўзига хослиги таърифлаб берилди, полиаллергия ривожланишининг янги механизми ва ҳамкор аллергик реакциялар методи ишлаб чиқилди. Марказимиз ходимлари ўз тадқиқотларида асосий эътиборни респиратор аллергологларнинг минтақаларга хослиги, махсус давоси, хусусан, аллерговакцинациянинг поливалент сесибилизациядаги муаммоларига қаратишмоқда. Марказимиз бошчилигида «Бронхиал астма диагностикаси ва давоси» миллий дастури ишлаб чиқилди ва вилоятларда «Аллергия ва астма» мактаблари ташкил қилинди. Марказнинг аллергология соҳасидаги илмий ютуқлари нафақат республикамизда, балки, Марказий Осиё ва хорижий мамлакатларда ҳам эътироф этилмоқда. Асосий мақсадимиз эса инсонлар саломатлигини янада муҳофазалаш, аллергик касалликларнинг олдини эрта олиш, самарали даволашни йўлга қўйиш ва шу соҳага оид барча зарур шароитларни яратишдан иборатдир. Бинобарин, инсон соғлиғи ҳар нарсадан устун, бебаҳо неъматдир.

Республика аллергология маркази базасида шифокорлар малакасини ошириш мақсадида «Аллергия» илмий-амалий журналини чоп этиш ҳам режалаштирилган. Аллергик касалликларда замонавий диагностика усулларини жорий этиш, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш, тажриба алмашиш ва шифокорларнинг чет мамлакатларда ўқишини таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар фондларини жалб қилиш ишларини йўлга қўйиш асосий мақсаддир.

Шунингдек, анжуманда, аллергология ва фармокотерапиянинг илмий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ҳар йили диагностика, даволаш ва профилактика стандартларини такомиллаштириш, илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, илмий адабиётлар, журналлар билан таъминлаш чораларини кўриш масалалари хусусидаги фикрлар ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, болалар ўртасида ушбу касаллик, бирламчи профилактикасини яхшилаш мақсадида пульмонология, отоларингология, дерматология хизматлари координациясини кучайтириш хусусида ҳам сўз борди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«Respublika Mulk Markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**I. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.**

**- МЧЖ «Шарқли Мелиса» жарима майдончасида сақланаётган:** 1. «Нексия» русумли д/р 30Р0453 бўлган 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.05.2010й, №ЖСХ-1-87/10. Бошланғич баҳоси – 10 701 544 сўм. 2. «Матиз» русумли д/р 10V 6166 бўлган 2004 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.05.2010й ,№ЖСХ-1-87/10. Бошланғич баҳоси – 8 767 502 сўм. 3. «ВАЗ-2106» русумли д/р 30 Р 0614 бўлган 1981 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10.09.2008й, №1-562/08. Бошланғич баҳоси – 2 198 362 сўм. 4. «Москвич-412» русумли д/р 10 J 4722 бўлган 1986 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 14.05.2008й, №1-197/09. Бошланғич баҳоси – 418 414 сўм. 5. «Камаз-53212» русумли д/р 11 Z 3292 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.08.2010й, №2-135-10. Бошланғич баҳоси – 29 110 000 сўм. 6. «Тиркама» русумли д/р 11F 179 бўлган 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.08.2010й, №2-135-10. Бошланғич баҳоси – 5 430 000 сўм. 7. «CHEVROLET OPTRA» русумли д/р 01 J 264 CA бўлган 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.08.2010й, №2-100-10. Бошланғич баҳоси – 29 797 140 сўм. 8. «Нексия» русумли д/р 10 У 757 ВА бўлган 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 25.06.2010й, №1-472/10. Бошланғич баҳоси – 19 000 000 сўм.

**- Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган:** 9. «ВАЗ-2106» русумли д/р 30 G 5081 бўлган 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.04.2009й, №1-327/09. Бошланғич баҳоси – 2 344 438 сўм. 10. «Москвич-412» русумли д/р 30 С 6142 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.12.2009й, №1-900/09. Бошланғич баҳоси – 231 467 сўм.

**- Учтепа тумани Шараф кўчаси, 6-уйда сақланаётган:** 11. «МАЗ-54322» русумли д/р 30 I 8985 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 29/12/2008й, №1-765-08. Бошланғич баҳоси – 16 491 423 сўм. 12. «МАЗ 9397» русумли д/р 30 С 364 бўлган 1989 йилда и/ч тиркама, ижро ҳужжати 29.12.2008й, №1-765-08. Бошланғич баҳоси – 16 491 423 сўм.

**- 61800–Н сонли харбий қисмда сақланаётган:** 13. «УАЗ-452» русумли д/р 30 А 4178 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й, №20-10-86. Бошланғич баҳоси – 2 916 537сўм. 14. «Москвич-21412» русумли д/р 10 Х 0059 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й, №20-10-86. Бошланғич баҳоси – 2 794 816 сўм. 15. «ВАЗ-2106» русумли д/р 30 F 3930 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 30.06.2010й, №20-10-86. Бошланғич баҳоси – 5 446 250 сўм. 16. «Камаз» русумли д/р 30 AZ 071 бўлган 1988 йилда и/ч, ЧнТАИЧБ ДАЖда сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 21.08.2009й, №1-504/09. Бошланғич баҳоси – 13 544 037 сўм. 17. «ВАЗ-2106» русумли д/р 11 G 4449 бўлган 1999 йилда и/ч, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭМ манзилида сақланаётган автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 10/03/2004й, №1-35/04. Бошланғич баҳоси – 4 114 067,2 сўм.

**II.Аукцион савдосига Миробод тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда.**

1. «ГБА ГАЗ-31105» русумли д/р 10 О 441 АА бўлган 2005 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.03.2011й, №4946/21. Бошланғич баҳоси – 14 120 000 сўм. 2. «MITSUBISHI PAJERO» русумли д/р Х 234 LXM бўлган 1997 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.02.2011й, №2440/21. Бошланғич баҳоси – 12 300 000 сўм. 3. «ВАЗ-2108» русумли д/р 10 W 622 ВА бўлган 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 04.11.2010й, №13810-12/21. Бошланғич баҳоси – 2 560 000 сўм. 4. «ГАЗ-2401» русумли д/р 11 F 3897 бўлган 1988 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 08.10.2010й, №12057/1. Бошланғич баҳоси – 1 214 000 сўм. 5.«Мерседес-Бенс-230» русумли д/р 10 Т 931 АА бўлган 1987 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 17.02.2011й, №2439/21. Бошланғич баҳоси – 10 035 000 сўм. 6. «ВАЗ 2106» русумли д/р 10 С 2321 бўлган 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 05.04.2011й, №5312/21. Бошланғич баҳоси – 3 300 000 сўм. 7. «ЗАЗ-968» русумли д/р 30 А 3258 бўлган 1989 йилда и/ч автотранспорт воситаси, ижро ҳужжати 18.01.2011й, №5867/21. Бошланғич баҳоси – 722 000 сўм.

**III. Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан, ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 11.12.2008 йилдаги №2-70, 2907 ижро ҳужжатларига асосан УК «Газчитранс» корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

1. «Fruehauf» русумли, д/р 10G059 бўлган, 1990 йилда и/ч тиркамаси. Бошланғич баҳоси – 11 887 865,37 сўм. 2. «Камаз 5320» русумли, д/р 18АЕ862 бўлган, 1983 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 3 056 340 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 20 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РММнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш, Олмазор т, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

I. Аукцион савдоларига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

**1.** Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судининг 2011 йил 16 майдаги 16183/22-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, А.Югнакий кўчаси, 19-уй, 29-хонадон манзилида жойлашган 5 та хона ва бошқалардан иборат уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 62 500 000 сўм.**

**2.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2010 йил 27 майдаги 153/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, М-2, 13-уй, 2-хонадон манзилида жойлашган, 1-та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 50 944 518 сўм.**

**3.** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036/10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Мўминова кўчаси, 3-уй, 14-хонадон манзилида жойлашган 1 та яшаш хонаси ва бошқалардан иборат уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 17 061 664 сўм.**

**II. Аукцион савдосига Учтепа тумани СИБ томонидан** Фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро судининг 2011 йил 17 февралдаги 1059/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, 14-мавзе, 16-уй, 48-хонадон манзилида жойлашган 2 хонали, умумий фойдаланиш майдони 48,68 кв.м, яшаш майдони 28,73 кв.м бўлган уй-жой қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 32 469 294 сўм.**

**Аукцион савдолари 2011 йил 20 декабрь куни соат 12:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Лицензия: RR-0001

Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги 116-мактаб томонидан 1987 йилда Аширова Муяссар Собировна номига берилган 8-синфни битирганлиги тўғрисида № 722568 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ҳамза компьютер технологиялар касб-ҳунар коллежи ўз тасарруфидаги овқатланиш ошхонасида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида 2011-2012 ўқув йили учун тендер танлови ўтказилишини маълум қилади. Мурожаат учун манзил: Ҳамза тумани Оқдарё кўчаси, 122-уй. Тел: 283-25-12, 299-85-47

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Махсустранс» ишлаб чиқариш бошқармаси ва «ХСТ ЯБД Юнусобод» қаттиқ маиший ва суюқ ҳолдаги чиқиндиларни аҳоли, ташкилот ва корхоналардан олиб чиқиб кетиш тарифи 2011 йил 1 декабрдан ошганлиги ва қуйидаги суммани ташкил этишини маълум қилади:

1. Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш — жисмоний шахслардан:

Бир киши учун (паспорт столларида рўйхатга олинган ва (ёки) олинмаганлигидан қатъи назар) бир ойга 1100,00 сўм.

2. Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш:

— бюджет ташкилотлардан 1 $м^3$ учун — 13437,6 сўм

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 $м^3$ учун — 19153,20 сўм

3. Суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш:

— бюджет ташкилотларида 1 тоннасига — 5182,20 сўм.

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 тоннасига — 5910,00 сўм.

4. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш (супурунди):

— бюджет ташкилотларида 1 машина соати учун — 10569,60 сўм

— хўжалик ҳисобидаги ташкилотлардан 1 машина соати учун — 12050,80 сўм.

5. НД-310 русумли автомобилларда қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта юклаш станцияларидан (Ҳамза, Яккасарой ва Юнусобод ЧКЮШ) Оҳангарон чиқиндихонасигача олиб бориш — 1 тонна учун — 3600,00 сўм

— Қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни шохобчаларда қабул қилиш ва қайта юклаш — 1 тоннасига — 4003,60 сўм.

**«Чиқиндиларни қайта юклаш шохобчаларидан фойдаланиш» Давлат корхонаси**

**«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2010 йил 27 октябрдаги 1-6450/10-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Қизилшарқ мавзеси, 13-уй, 24-хонадонда жойлашган, умумий майдони 90,51 кв.м, яшаш майдони 60,67 кв.м, қолган майдони ошхона, ҳаммом, даҳлиз, равондан иборат бўлган 4 хонали хонадон қўйилмоқда . Бошланғич баҳоси – 70 000 000 сўм.

II. Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг 2010 йил 27 октябрдаги 1-6450/11-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 16-даҳа, 12-уй, 3-хонадонда жойлашган, умумий майдони 95,81 кв.м, яшаш майдони 52,83 кв.м, қолган майдони ошхона, ҳаммом, даҳлиз равондан иборат бўлган 4 хонали хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 42 100 000 сўм.

**Аукцион савдоси 2011 йил 19 декабрь куни соат 11:00да бўлиб ўтади.**

Мазкур кўчмас мулклар билан суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИКБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-80-23, 228-84-48. Лицензия: RR-0001.

«7-автокорхона» ОАЖ маъмурияти 3 йил меҳнат стажига эга бўлган «Д» тоифали ҳайдовчиларни ишга қабул қилади. Ўртача ойлик маоши 500-600 минг сўмни ташкил этади.

Мурожаат учун телефон: 279-95-34.





**Спорт ҳар бир мамлакат тараққиётида, аҳолининг сиҳат-саломатлигида муҳим ўрин тутади. Шундан келиб чиққан ҳолда мустақил юртимизда спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, аҳоли, айниқса оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом авлодни шакллантириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.**

Саломатлик — туман бойлик

# СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЙДОНЧАЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Хусусан, жаҳон андозалари даражасида қурилиб, зарур спорт анжомлари билан жиҳозланган спорт-соғломлаштириш комплекслари нафақат шаҳарларимиз, балки энг олис қишлоқларимизда ҳам қад ростламоқда. Жорий йилнинг 25 февралида Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари, болаларни ёшликдан спортга кенг жалб этиш борасида тўхталиб, болалар спорти — ўзбек спортининг келажаги, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг пойдеворига айланиши зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Шундан келиб чиққан ҳолда бугун жисмонан соғлом, бақувват, ақлан етук авлодни вояга етказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, замонавий спорт мажмуалари, сузиш ҳавзалари, футбол майдонлари малакали спорт мураббийлари билан таъминланган ҳолда ўғил-қизларимизга хизмат қилмоқда. «Ҳар бир ҳудудда — спорт комплекси» шиори остида фойдаланишга топширилаётган спорт майдончалари эса нафақат боғча, мактаб ёшидаги болажонларни, балки катталарни ҳам ўз бағрига чорламоқда. Бугун шаҳримиздаги барча туманларда замонавий спорт мажмуалари жадаллик билан қурилиб, ишга туширилмоқда. Ана шундай спорт мажмуалари фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида Юнусобод туманида бўлдик. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Юнусобод туман бўлими вакили Баҳодир Тошмаматов бизни туманнинг 7-мавзесида қурилиб, иш бошлаётган спорт-соғломлаштириш майдончасига бошлар экан, йўл-йўлакай туманда аҳоли саломатлиги, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ҳақида маълумот бериб ўтди.

— Туманимизда учта спорт мактаби мавжуд бўлиб, 1-сонли мактаб енгил атлетика, 7-сонли мактаб баскетбол, 19-спорт мактабимиз эса байдарка ва каноэда эшкак эшиш турларини ривожлантиришга ихтисослаштирилган. Ҳасанбойда эса «Ёшлик» спорт болалар мажмуаси фаолият юритади. Бугунги кунда туманда 6000га яқин болалар спорт билан мунтазам шуғулланадилар. Уларга 110 нафар малакали мураббийлар сабоқ бермоқда. Фахр билан айтиш мумкинки, енгил атлетика бўйича Осиё ўйинлари ғолиблари Юлия Тарасова, Гўзал Хуббиевалар бизнинг мактабимиз ўқувчиларидир. Шунингдек, ўқувчиларимиз байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ҳам юқори ўринларни эгаллаб келишади. Янги қад ростлаётган соғломлаштириш комплексларининг эътиборли жиҳати шундаки, уларда катталар ҳам ўзлари истаган спорт турлари билан шуғулланишлари мумкин.

Айтилган манзилга етиб келганимизда эса дарҳақиқат, болалар учун алоҳида ўйин майдончаси борлиги, уларда ёш оналар жажжи болажонларни айлантириб юрганларини кўрдик. Бундан ташқари спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, қўл тенниси, мини футбол турлари билан шуғулланиш учун шарт-шароитлар яратилган.

— Бу ерда иш бошлаганимизга кўп вақт бўлгани йўқ, — дейди «Bethil-Techtrans» МЧЖ вакили Жасур Абдураҳмонов. — Ўғил-қизларнинг жисмонан соғлом бўлиб вояга етишига хизмат қилиши мўлжалланган ушбу ҳудудда ҳали ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилиб, алоҳида дам олиш хиёбонлари, кичкинтойлар учун мўлжалланган ўйин аттракционлари, бир сўз билан айтганда, ота-оналар ўз фарзандлари билан келиб спорт билан шуғулланиб, яхши дам олиб, шу билан бирга саломатликларини тиклашларига зарур имкониятлар яратилади.

— Жуда тўғри, — дея суҳбатимизга қўшилди «Астробод» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Анвар Қурбонов. — Маҳалламизда 5.894 нафар аҳоли бўлса, шулардан 1.400 нафарини ёшлар ташкил этади. Улар бугун жуда мамнун, бу ерга келиб ҳам дам олиб, ҳам спорт билан шуғулланиб, соғлом турмуш тарзининг амалдаги ифодасини кўрмоқдалар. Фақат бизнинг маҳалла аҳли эмас, балки атрофимиздаги «Наврўз», «Оқибат», «Исломобод», «Туркистон» маҳаллалари аҳолиси ҳам бемалол келиб, спорт мажмуасида яратилган имкониятлардан фойдаланадилар. Ҳудудимиздаги 86-, 26-мактаб ўқувчиларининг ҳам қувончи чексиз. Туманимизда яна бундай спорт майдончаларидан бештаси қурилади. Бу албатта аҳоли саломатлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижаси бўлади.

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган ижтимоий сўров натижаларидан шу нарса маълум бўлдики, аҳолининг қарийб 90 фоизи давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган сиёсатини юксак баҳолайди. Кўпчилик оилаларда (81.7 фоиз) фарзандларининг жисмоний саломатлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болаларнинг 44.7 фоизи таълим муассасалари ҳузуридаги спорт секцияларида спорт билан фаол шуғулланяпти, уларнинг ҳар уч нафаридан бири шаҳар ва маҳаллада фаолият юритаётган махсус секциялардаги машғулотларда қатнашмоқда.

Демак амалга оширилаётган хайрли ишлар натижаси мақсад сари етакламоқда. Бу эса ҳар биримизни янада фаолроқ бўлишга, бошлаган хайрли ва эзгу ишларга кўпроқ ҳисса қўшишга чақиради.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги спорт-соғломлаштириш майдончаси доимо ёшлар билан гавжум.**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

**Маълумки, бугунги кунда ёшлар, айниқса вояга етмаган ўсмирларнинг таълим-тарбияси, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиб саломатлигини тиклаши, шунингдек, уларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, адашиб ноқонуний йўлларга кириб қолишларининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Тадбирлар

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЭЪТИБОРДА

Куни кеча Чилонзор туман ҳокимлигида «Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч-қудратидир» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда айнан шу ҳақда сўз борди.

Шаҳримиздаги маънавият тарғибот маркази ўн битта туман бўлимлари вакиллари иштирок этган ушбу маънавий маърифий тадбирда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг 2011 йилга мўлжалланган иш режаларининг бажарилиши ўрганилиб чиқилди. Унга кўра вояга етмаганлар ўртасида маънавий тарбияни кучайтириш ва диний ақидапарастликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, болаларнинг руҳияти ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган турли омиллардан ҳимоя қилишга қаратилган ишлар бўйича Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлимининг иш фаолияти намунали деб топилди.

Тадбирда келажак эгалари бўлган ёшларнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етиши йўлида ҳар бир ходимнинг масъулият билан ёндошиши лозимлиги таъкидланиб, вояга етмаганлар тарбияси ҳамиша эътиборда эканлигига яна бир бор эътибор қаратилди.

**Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети талабаси**

Футбол

# ТЕРМА ЖАМОАМИЗ — ГУРУҲДА ПЕШҚАДАМ

**КЕЧА «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар футбол бўйича жаҳон чемпионатига саралаш турнири тўртинчи босқичи «С» гуруҳидаги Ўзбекистон — Тожикистон миллий терма жамоалари ўртасидаги 5-тур учрашувининг гувоҳи бўлишди.**

Беллашув тафсилотига тўхталишдан аввал шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон терма жамоаси ўтказилган тўрт баҳсда 3 та ғалаба ва битта дуранг натижа қайд этиб, 10 очко жамғарган ва гуруҳда японлар билан бирга кейинги босқич йўлланмасига эга бўлган эди. Дарвоқе, Тошкентдаги баҳс бошланишидан аввал Пхеньян шаҳрида КХДР — Япония терма жамоалари беллашуви бўлиб ўтганлиги, унда корейслар 1:0 ҳисобидаги ғалабага эришганликлари маълум эди. Шу боис ҳам Вадим Абрамов майдонга Шацких, Андреев ва Тўраевдан бошқа барча асосий таркиб футболчиларини туширди. Чунки агар ҳамюртларимиз тожикистонликлар устидан ғалаба қозонишса, очколар бўйича гуруҳда биринчи ўринга кўтарилиб олишар эди. Мутахассислару мухлислар тахмин қилишганидек, баҳс ҳамюртларимизнинг яққол устунлигида кечди. Меҳмонлар дарвозаси томон уюштирилган чиройли комбинациялар, хавфли ҳужумлар 34-дақиқада ўз самарасини берди. Копадзе томонидан чиройли тарзда оширилган тўпни эгаллаб олган Турсунов рақиб ҳимоячисини алдаб ўтди ва дарвозани аниқ нишонга ола билди. — 1:0.

Терма жамоамиз аъзолари иккинчи голни 61-дақиқада меҳмонлар дарвозасига киритишди. Гол муаллифи — Одил Аҳмедов.

Очиғини айтганда, рақиб дарвозаси томон шунчалик кўп ҳужумлар уюштирилганига қарамай вакилларимиз барча қулай имкониятлардан самарали фойдалана олишмади. Учрашувдаги ҳал қилувчи учинчи голни моҳир ҳужумчимиз Гейнрих киритди.

Шундай қилиб мазкур беллашув 3:0 ҳисобида ҳамюртларимизнинг ажойиб ғалабаси билан якунланди ва терма жамоамиз 13 очко жамғарган ҳолда гуруҳда пешқадам бўлиб олди. Бу натижа мухлисларни қувонтиргани табиий. Бироқ, келгуси йили бошланадиган бешинчи босқичга терма жамоамиз ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриши лозим. Сабаби, тожикистонликлар билан кечган баҳсда терма жамоамиз вакилларининг руҳий жиҳатдан бироз толиққанликлари сезилиб қолди. Чунки учрашувда ҳакам томонидан кўрсатилган 9 та сариқ карточканинг 7 таси футболчиларимизга тегишли. Ачинарлиси, ушбу карточкаларнинг камида 5 таси ҳакам томонидан футболчиларимизга вақтни атайин чўзишга интилганликлари учун берилди. Ахир терма жамоа ҳисобда олдинда бораётган вазиятда, атайин вақтни чўзишга интилиб, бекордан бекорга сариқ карточка ишлаб олиш шартми? Ушбу хатолар ёки интизомсизлик кейинги босқичда ўз салбий таъсирини ўтказади-ку. Хуллас, жамоанинг интизоми ва руҳий ҳолатига албатта мураббийлар эътибор қаратиб, ушбу камчилик ва нуқсонларни бартараф этадилар деб умид қиламиз.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

## ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Каюмарснинг Пушанг отли ўғлини Давоманд тоғида девлар ўлдиришди. Бундан бир қуш огоҳ бўлиб, қаттиқ нола қила бошлади. Шоҳ шу қуш «йўлбошчилигида» ўғлининг жасадини топади. Каюмарснинг бошқа фарзандлари ҳам бўлади, улардан бирини юртга бошлиқ тайинлаб, ўзи девларни ўлдиришга отланади. Каюмарс йўлда кетаётиб бир оқ хўрозни учратади. У йўл бошида туриб қичқирмоқда, сал олисроқда бир товуқни илон ўраб олган. Хўроз қичқирибгина қолмасдан жон-жаҳди билан илонга ташланар ҳам эди. Бу ҳолат Каюмарсга хуш келади ва:**

**– Агар хўроз ўз жуфтини қутқариш учун курашаётган экан, демак, бу жониворнинг ҳам феъли инсонга ўхшаш, – дейди.**

**Илоннинг бошини янчиб, хўроз билан макиённи озод қилади. Уларни ўз ўғилларига бериб, асраб-авайлашни буюради. Шундан бошлаб элда товуқ сақлаш расмга айланади. Чунки улар бор хонадонларга девлар йўламас эмиш. Хўрознинг чақириши эса яхшилик белгиси.**

**Бир куни ўша оқ хўроз кутилмаганда кечки пайтда қичқириб қолади. Одамлар бунинг сирини билолмай ҳайратланишади. Сўнг маълум бўладики, Каюмарс ўлган экан. Шунинг учун хўроз кечки пайт қичқирдими – бу ёмонлик хабари, ундай хўрозни дарҳол сўйиш лозим деган фикр ақида шаклида асрлар мобайнида яшаб келган.**

* * *

**Феридун фарзанди учун қоғозга қуйидаги сўзларни ёзди: «Ҳаёт варақлари киши амалининг саҳифаларидир. Унга энг яхши ишларгина ёзиб қолдирилади».**

* * *

**Ҳакимлардан бири демишки: «Ҳикматдан қирқ дафтар ёздим, аммо ундан наф кўрмадим. Ундан қирқ калимасин ихтиёр қилдим, аммо на манфаату на фойдасин билмадим. Ундан тўрт сўз танлаб олдим ва қидирган нарсамни топиб кўнгилга солдим:**

**Биринчиси шуки, аёлларга ҳам эркаклар каби эътимод қўйма.**

**Иккинчиси шуки, бойликка мағрур бўлма, бойлик қанчалик фаровон бўлмасин, уни замон охири паймол этади.**

**Учинчиси ўз яширин сирингни ҳеч бир дўстингга ҳам айтма, чунки дўстликка халал етиб, душманликка айлангани ҳаётда кўп учрайди.**

**Тўртинчиси фақат фойдаси тегадиган илмни олиш керак, фойдасиз фазилатдан қочмоқ ва фақат зарур нарсага қулоқ очмоқ лозим».**

* * *

**Искандар қўшинлари билан қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жазирама саҳрода ташналикдан азоб чекиб ётганида одамлари бир меш сув кўтариб кетаётган чолни тутиб келтирдилар.**

**– Сувни қаёққа олиб бораяпсан? – сўради Искандар.**

**– Ўғилларим ташналикдан жон олиб-жон бераяпти, – жавоб беради чол.**

**Искандар мешни қайтариб берар экан:**

**– Бу сувнинг ҳаммасини мен ичолмайман. Жангчиларимга бўлиб берай десам, барибир етмайди, – дейди, – ундан кўра сен ўғилларингга олиб бора қол.**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

**(Давоми бор)**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **17 ноябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан ғарб томонга секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 2-4, кундузи — 10-12 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра **17 ноябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз тарқалиб кетишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 18 ноябрда чиқади)


МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2839 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г- 1141

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.10 1 2 3 4,5